

ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТДА МАЬНАВИЯТ ВА ИЙМОН УЙҒУНЛИГИ

Аминова Н.

TДПУ доц.в.б. PhD (фалсафа фанлари буйича)

Резюме: Тарихий тараққиёт ва маънавий ҳаётнинг барқарор бўлиши аввало иймонли инсонлар фаолияти билан узвий боғлиқ. Бу эса жамият ҳаётида имон-эътиқодли, маънавиятли инсонларнинг кўпайишини, ҳозирги тарихий даврда фанни динга, динни эса фанга ҳар қандай шакл-шамойилда қарама-қарши қўйиш каби иллатларнинг олдини олишни тақозо қўлмоқда. Маколада ижтимоий тараққиётда маънавият ҳамда иймон тушунчасининг фалсафий моҳияти, жамият ҳаётидаги тутган ўрни, ёш авлодни тарбиялашда ушбу феноменлардан ижобий фойдаланиш масалалари ҳакида фикр юритилади.

Калит сўзлар: иймон, эътиқод, дунёқарааш, инсон, индивидуал, умуминсоний, баркамоллик, менталитет, маънавият, дин, маданий мерос.

Бугунги кунда глобаллашув жараёнининг авж олиши нафақат алоҳида шахснинг, балки бутун жамият аъзоларининг хам маънавий юксак туйғулар эгаси бўлишини тақозо этади. Чунки маънан қашшоқ одамлар билан ҳеч қачон ижтимоий тараққиётга эришиб булмайди.

Маънавият одамларнинг ўзаро муносабатлари ва реал ҳаётий тажрибалари жараёнида шаклланиб, ривожланиб борувчи қадриятлар тизими бўлиб, алоҳида одамнинг ички олами, руҳий ҳолати ва турмуш тарзини белгиловчи, унинг ижтимоийлашган шахсга айланишининг зарур шартидир. Маънавият дин билан боғлик бўлиши ёки мустақил ривожланиши ҳам мумкин. Ушбу ҳолат ҳар бир даврда истиқомат қилаётган одамларнинг дунёқараashi билан боғлик бўлади. Амалий фаолият жараёнида маънавият феноменининг ижтимоийлик функцияси етакчилик килади. Одамнинг етук инсонга айланишида ташқи таъсирнинг ўзи етарли эмас. Иймон-эътиқоднинг ҳам аҳамияти катта бўлиб, у одам онгини ривожлантиришда ички рафбат ролини ўйнайди.

Иймон нафақат соф диний тушунча бўлибина қолмай, у илмий-фалсафий тушунча ҳам эканлигини англаш ва шу нуқтаи назардан муҳокама юритиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги дунёда икки тоифа одамлар инсон сифатида ўзини намоён қилишга интилиб, ёнма-ён яшамокдалар: биринчилари диний дунёқарааш ҳақлигига ишониб ва эътиқод (ихлос) қилиб ҳалол-пок имонлилик руҳи билан яшашга интилаётган бўлсалар, иккинчилари илмий-фалсафий дунёқарааш ҳақлигига ишониб ва эътиқод килиб яшашга

интилмоқдалар. Бирок, илмий-фалсафий дунёқарашининг инсон имон-эътиқодига айланишининг ижтимоий механизмлари динлардаги каби такомиллашмаган бўлса-да, у ўзининг ялпи умумий таснифга эгалиги билан пурвиқордир. Иймонли инсон бўлаётган воқеа ҳодисаларга ўзи қабул қилган имон-эътиқод нуқтаи назаридан келиб чикиб ўз муносабатини белгилайди. Иймонли одам инсоният, жамият, муайян маданият қадриятларига хилоф фикр, ғояларни қабул қилмайди, аксинча уларнинг ривожланиш йўлларини тўсади. Дунёни англаш жиҳатидан иймон ва эътиқод индивидуал онг унсури хамда инсон фаолиятини муайян мақсадга йуналтирувчи алоҳида руҳий ҳолатdir. Ҳаёт ҳодисаларига нисбатан иккиланиб муносабатда бўлиш, журъатсизлик, эътиборсизлик ва бефарклиқ, яъни иймон-эътиқодсизлик индивиднинг маънавий инқирозидан дарак берувчи алломатларидир. Иймон-эътиқодсиз одамлар кўпинча бошқаларга эргашиб ёки таклид килиб яшайдилар. Уларда аник, мақсад бўлмайди. Бундай одамлар мавжуд шароитдан келиб чикиб гоҳ у гоҳ бу томонга оғиб кетаверадилар. Уларда эътиқодий бўшлиқ иллати, табиий равишда жамият тараққиётига тўсиқ бўлади. Шу боисдан ҳам ёшларда ижтимоий қадриятларга, буюк келажакка, тараққиётга бўлган ишончни, озод ва обод Ватан, фаровон хаёт барпо этишга бўлган эътиқод (ихлос)ни тарбиялаш ижтимоий тараққиёт омилларидан бири эканлигини доимо эътиборга олиш зарур. Тараққиётга, хурликка етакловчи ишонч ва эътиқод билан бузғунчи, тўғри йўлдан адаштирувчи, ёлғон «эътиқод»ни бир-биридан фарқлай олмоғимиз лозим. Иймон-эътиқод шаклланиши учун факат билимнинг ўзи кифоя қилмайди, балки у муайян дунёқарашиб билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, диний дунёқарашиб асосида ҳам, фалсафий дунёқарашиб негизида ҳам инсон онги ва руҳий оламида барқарор бўлиши мумкинлиги илмий-фалсафий жиҳатдан исботланган. Яъни, «иймон» (арабча «каман» сўзининг ўзбекчалашган шакли бўлиб, у ишонч ва эътиқод маъноларини англатади.

Тарихий тараққиёт ва маънавий ҳаётнинг барқарор бўлиши аввало иймонли инсонлар фаолияти билан узвий боғлиқ эканини назарда тутиш муҳимдир. Ҳозирги тарихий даврда фанни динга, динни эса фанга ҳар қандай шакл-шамойилда қарама-қарши қўйиш маънавиятнинг асосларига болта уриш билан баробардир. «Диний нуқтаи назардан худои-таоло йўлидан бориб, ҳалолпок, тили билан дили бир, инсоф диёнатли, саховатли ва муруватли, ҳаввойи нафсини тия оладиган, умуман, чинакам инсоний фазилатларга эга бўлган шахслар иймонли хисобланадилар.» Иймон фақат диний дунёқарашибга хос феномен бўлиб қолмай, у умуман ҳар қандай дунёқарашибга дахлдор инсон онгининг нодир ҳодисаси [1].

Одам диний йул билан ҳам, илмий-фалсафий, маданий-анъанавий турмуш тарзи йўли билан ҳам, ҳар қандай шароитда ўз сўзини қадрлайдиган,

тили билан дили бир инсон сифатида халол-поклик, инсоф-диёнатлилик, адолат, маърифат ва хакикат тимсолига айланиши мумкин. “Инсон ўзи яшаётган давлат қонун-қоидалари, жамият ва маданият томонидан эътироф этилган одоб-ахлоқ маромлари, тартибларига ихтиёрий равишда риоя этувчи, мабодо ташқи таъсир остида ёки беихтиёр уларга хилоф хатти-харакат қилиб кўйса, виждан азобида қолиб, чуқур изтиробга тушувчи, ўзини-ўзи кечирмовчи олий бир зотдир. У маънавий гўзал, ахлокий поклик тимсоли бўлгани сабабли, инсонда ижтимоий моҳият биринчи ўринда туради”. [2]

Таъкидлаш лозимки, муайян дунёкараш таъсирида одамнинг ички – кичик олами “Мени ва ташқи – катта олами ижтимоий муҳит замон ва маконда бирлашади. Шунда одам онги ва руҳий оламида нодир ходиса “Иймон руҳи” пайдо бўлади. Шу тарика одам ижтимоийлашган шахсга айланади ва энди у давлат конунлари, тартиб қоидалари, жамиятда тарихан шаклланган ва кадрланадиган ахлоқ маромларига қатъий риоя қилиб яшаш кўникмасига эга бўлиб боради. Мабодо инсон ўзида шаклланган иймонига хилоф иш қилса, ўзини ноқулай ҳис килади ва, хатто, ўзини сира кечира олмайдиган покдомон-харомдан ҳазар киладиган инсонга айланади. Одамнинг умуртка поғонаси шикастланган бўлса, ундей одам гавдасини тик тутиб тура олмаганидек, маънавий олам учун иймон хам шундай бир таянчdir. Қайси мамлакатнинг дин ва илм аҳли иймон бутунлиги, эътиқод событлиги борасида ўзаро иттифок тузиш замон зайлар эканини тушуниб етса, қайси мамлакатда иймонли инсонларни тарбиялаш миллий мағкурунинг бош ғоясига айланса, ўша юртда иймонли инсонлар сафи кенгайганидан кенгайиб, жамиятда юксак маънавият қарор топади ва у хаёлот (утопия)дан амалиёт предметига айланади. Иймонли-ишонч-эътиқодли инсонлар кўп бўлган мамлакатдагина баркамол авлод тарбияси тўғри йўлга кўйилади. Улар юксак маънавият ижодкорларига, жамиятни харакатлантирувчи кучларига айланишлари мумкин.

Тарихий тажрибаларидан маълумки, иймонли инсонлар кўп бўлган жамиятдагина чинакам маънавият қарор топади ва одамзотда мавжуд ҳайвоний ҳирслар чекинишга мажбур бўлади. Агар илмий-фалсафий дунёкараш асосида хам иймонли инсонларни тарбиялаш мумкинлиги тўғрисидаги назарий билимлар амалиёт учун дастуруламал бўлиб, у миллий мағкура предметига айланса, шубҳасиз, Ўзбекистон тўла маънода иймонли инсонлар мамлакатига айланиб, халқимиз орзу қилган юксак маънавиятли жамият шаклланади. Бундай вазиятда Ўзбекистонга ташқаридан бўладиган ҳар кандай таҳдидлар хавф sola олмайди. Агар биз тарихимизга мурожаат этсанк, моддий жиҳатдан бой-бадавлат бўлган ватандошларимиз ўз маънавий оламларининг улуғворлиги билан халқ эътиборида бўлганликлари, уларнинг хотираси ҳозирги баркамол авлодни тарбиялаш учун хам ибрат мактаби сифатида хизмат килаётганининг гувоҳи

бўламиз. Масалан, Алишер Навоий, Хожа Аҳрор Валий, Махдуми Аъзам каби алломалар ниҳоятда бадавлат бўлганлар. Айни чоғда улар манманлик, калондимоғлик, камбағалларга паст назар билан қарашиб каби ғайриинсоний иллатлардан холи бўлганлар. Иймони бутун, эътиқоди событ баркамол инсон сифатида ўз бойликларини жамиятда маънавиятни қарор топтириш, қийин аҳволда яшаётганларга ёрдам қўлини чўзиши инсоний бурчлари деб билганлар.

Назаримизда, уларнинг бу тарихий тажрибаларига ижодий ёндошган холда, одамнинг ижтимоийлашган шахсга айланиш йўллари, усууллари, воситаларидан самарали фойдаланилса, илмий техникавий ҳамда ахборот, нанотехнологиялар ривожланиб бораётган хозирги даврда жамиятнинг равнақ топишида хар бир инсоният иймон тушунчасининг фалсафий маъноларини хам тушуниб амалий фаолият белгиласа жамият тараққиёти тезлашади. Биз улуғ аждодларимизнинг фақат номини эслаш, улардан ғуурланиш билангина чекланмасдан, уларнинг бебаҳо меросини онгимиз ва ёшлар шуурига сингдиришда мавжуд имкониятлардан тўлиқ, фойдаланишимиз, аждодларимизга муносиб ворислар бўлишимиз лозим.

«Маънавият ва иймон уйғунлиги» жамият ижтимоий тараққиётини бир маромда таъминлаб турувчи «қон» томири, зеро, маънавияти кашшоқ одамда эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амал хам бўлмайди. Жамият ижтимоий тараққиётида маънавият устувор омил ҳисобланади. У жамият ижтимоий тузилмасини бирбири билан боғлаб туради, улар ўртасидаги муносабатларнинг уйғунликда ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Унинг инқирози ёки давр тараққиёти эҳтиёжларидан орқада колиши жамият ижтимоий тараққиётини издан чиқишига олиб келади ёхуд унда мавжуд бўлган институтлар ўртасидаги муносабатларда зиддиятларни юзага чикаради. Бунинг олдини олиш учун эса, маънавиятнинг ижтимоий тараққиётга таъсирини кучайтириш зарур.

Ёшлар тарбияси масаласида асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой меросига таяниш хар қачонгидан хам долзарблик касб этиб, давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

XX асрда «руҳоният» («духовность») тушунчаси аҳоли орасида кенг маънода ишлатила бошланди. Руслар «духовность» тушунчаси кўпроқ руҳонийлар билан боғлиқлиги туфайли, «духовная культура» иборасини ишлата бошладилар. Бу билан улар маданиятдан фарқ қилувчи маънавий, руҳий маданиятни кўзда тутдилар. Ўзбекчага ўтирилган «духовная культура», «руҳоний маданият» каби тор ва диний қобиқда эмас, «маънавий маданият» тарзида кенг маъно ва мазмун касб этади. «Маънавият – инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр-муруват,

адолат, тўғрилик, софдиллик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзалликни севиш, ёвузликка нафрат, ирова, матонат ва шу каби қўплаб асл хислатлари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик касб этган мажмуидир»[3]

Маълумки, ижтимоий тараққиёт тузилмалари ўзларининг вазифалари, билан бир-бирларидан фарқ қиласди. Улар муайян қонуниятлар асосида фаолият кўрсатсалар ҳам, ахлоқ ва маънавият муаммоларига самарали таъсир кўрсатадилар. Парсонс фикрича, «ижтимоий тузилма, энг аввало, фаолиятли тизимдир. Масалан, иқтисод, сиёsat, ҳуқуқ каби ўзаро таъсирда бўлувчи ижтимоий тизимлар ахлоққа, маънавиятга фаол таъсир кўрсатадилар. » [4] Улар ягона тизим сифатида ўзаро алоқа ва муносабатда бўлиб, ижтимоий тараққиётга кучли таъсир ўтказади. Тараққиёт умумий таснифга эга бўлиб, орқага қайтиш, четга оғишлар бўлишини ҳам назарда тутади. Тараққиёт тушунчаларидаги воқеликдаги умумийлик билан бирга муайян тафовутлар ҳам бор. Чунки жаҳонда янги жамият асосларининг барпо этишнинг тайёр андозаси йўқ. Шундай экан, ҳеч бир мамлакатнинг тажрибаларини айнан қабул қилиб бўлмайди. Тараққиётни диалектик тушунишни ҳамма нарса-ҳодисаларга хос хусусият сифатида талқин этмаслик керак. Оламда шундай ҳолатлар ҳам борки, улар илгарилама, юқорилама ҳаракат-тараққиёт тушунчасида ифодаланадиган реалликка мувофиқ келмайди. Масалан, бутун оламга нисбатан, чексиз коинотга татбиқан тараққиётнинг илгарилама шакли тўғри келмайди. Ёки маънавиятда ҳам тараққиёт илгарилама ҳаракатга нисбатан қўпроқ барқарорлик, муқимликка мойил бўлади. Яхши хулқ, ўз тараққиётида оддийдан мураккабга эмас, балки ўша яхши хулқ, одоб, ва ахлоқнинг барқарор бўлиши, мустаҳкамланиб бориши ҳамда ворисликнинг сақланиши эвазига хайрли анъаналарнинг қарор топиши натижасида маънавий тараққиёт содир бўлади. Имон бутунлиги, эътиқод событлиги омиллари иштирокида юксак маънавиятли баркамол авлод етишиб чиқади. Фақат имонли инсонлар кўпчиликни ташкил этган жамиятдагина юксак маънавият қарор топиши мумкин. Демак, ҳозирги вақтда бу мавзу барча ижтимоий фанлар доирасида етарли даражада илмий таҳлил предметига айланмади, шу боис, маҳсус тизимли назарий таҳлилни тақозо этмоқда. шахсни маънавий-ахлоқий тарбиялашга йўналтирилган тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда жаҳонда юз берадиган глобаллашув жараёни ва уларнинг ёшларимиз маънавияти ва ахлоқига жиддий таъсир ўтказаётганини ҳисобга олиб, улар дунёқарашига ижобий таъсир қилиш йўллари ва самарали воситаларини танлаш зарур. ёшларнинг «имон», «маънавият» ва «юксак маънавият» тушунчалари, уларнинг мазмунни, моҳияти ва аҳамияти ҳақида етарлича билимга эга эмаслиги уларнинг турли бузғунча ғоялар орқасидан эргашиб кетишига сабаб бўлиши мумкинлигидан далолат беради. Бундай шароитда ёшлар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориб, бу масаладаги назарий қоидаларни

амалиётга жорий этиш йўлларини такомиллаштириш жамият тараққиётида маънавий соҳанинг юксалишига хизмат қиласи. жамият тараққиётиниг ҳозирги шароитида объектив зарурат бўлган имон нафақат диний тушунча ва қадрият, балки айни чогда у инсон (ижтимоийлашган индивид) онгининг, тафаккурининг нодир ҳодисаси эканлигини назарда тутган ҳолда, ушбу концепциясининг маънавият билан боғлиқ илмий фалсафий жиҳатларини асослаб беришни давр тақозо қилмоқда. Зеро, имонли баркамол инсонлар кўпчиликни ташкил этган жамиятдагина юксак маънавият барқарорлашуви натижасида маънавий қашшоқ, ахлоқий нопок шахслар учун ноқулай шарт-шароит, яъни ижтимоий муҳит вужудга келиши мумкинлигига алоҳида эътибор қаратилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. Вера как духовное состояние.-Тошкент:Фан,1991.-Б. 51-52.
2. Каримов И. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. Фан нашриёти.2007 й 41-6.
3. Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. –Тошкент: Маънавият, 2009 . – Б.10-11.
4. Конрад Н.И. Запад и Восток.-Москва,1972.-С.81-82.